

## ЮНЕСКОнинг Банкокдаги ваколатхонаси “COVID-19” пандемияси даврида ёшларга йўналтирилган қуидаги икки лойиҳани ишлаб чиқмоқда

**Биринчи лойиҳа:** “Ёш тадқиқотчилар” деб номланади ва ёшларга тадқиқотларни амалга оширишга кенг имкониятлар яратади. Ёш тадқиқотчилар Ирландия (Голвей) Миллий университети ва Пенсильвания штати университети устозлари бошчилигидаги кичик гурух машғулотларида иштирок этадилар. Мазкур лойиҳани биринчи қисмида ёш тадқиқотчилар ўртасида сўровнома ўтказилади, ЮНЕСКО томонидан ёшлар фикри ўрганилади ва таҳлил этилади. Лойиҳанинг иккинчи қисмида тадқиқотчилар танлаб олинади ва онлайн ўқув машғулотларида иштирок этади. Сўровнома қуидаги ҳавола ва ижтимоий тармоқларда инглиз ва француз тилларида мавжуд:

- <https://bangkok.unesco.org/content/call-youth-how-are-young-people-being-impacted-covid-19-pandemic>
- <https://www.facebook.com/unescobangkok/photos/a.284288554916903/3277191682293227/>
- <https://www.twitter.com/unescobangkok/status/1262252826714968066>

**Иккинчи лойиҳа:** ЮНЕСКОнинг Банкокдаги ваколатхонаси ва *binumi* ҳамкорлигидаги #MyCOVIDStory (Менинг COVID ҳикоям) тадбирининг бир қисми бўлиб, видеолавҳа орқали ҳикояларни сўзлаб беришдан иборат.

Ёшлар мобил телефонлари ёрдамида олган видео лавҳаларни *binumi* дастурини қуидаги ҳаволаларидаги ЮНЕСКО каналига жойлаштирилари мумкин:

- <https://zg8t9.app.goo.gl/Zw2i>
- <https://www.facebook.com/UNESCOyouth/posts/3050055511722933>

ЮНЕСКО лойиҳасининг асосий мақсади ёшларни илмий тадқиқотларга жалб этиш ва илмий салоҳиятини оширишдан иборат. Дунё миқёсида танлаб олинган видео ҳикоялар ЮНЕСКО каналларида оммалаштирилади.

Кўшимча маълумотлар учун ЮНЕСКОнинг ижтимоий фанлар бўйича Осиё ва Тинч океани минтақаси маслаҳатчиси Сю Вайз хонимга боғланиш мумкин (Ms Sue Vize: s.vize@unesco.org)